# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!


Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil
19-mart
payshanba

№ 12 (4450/4368)

# Postda
# На посту

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


ПУБЛИЦИСТИКА

**Баҳорнинг илиқ тафти туфайли борлиқ ўзгача чирой ва кўркам қиёфага кириб бормоқда. Дов-дарахтлар гуллаши, қушларнинг чуғур-чуғури уйғониш фаслининг аллақачон одамзод қалбига инганидан дарак беради. Шу боис бетакрор шодиёна — Наврўзи оламга эзгу ниятлар билан пешвоз чиқяпмиз.**



## ЯНГИ КУН, ЎЗБЕКИСТОН

5







## ФАРИШТАЛАР УЛУҒЛАГАН кунда таваллуд топганлар



*... Маълумотларга қараганда, 21 санада туғилганлар фақат биттагина иш билан шуғулланишни ёмон кўришаркан. Улар бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсага қўл уриб, барчасининг уддасидан чиқади. Бундай инсон табиатан ҳар хил нарсаларга қизиқади...*

4







## ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

Тошкент вилояти ИИББ ТВБСО командирининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўринбосари, майор Музаффар Хўжаев. 1985 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. 2009 йилда ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртини тугатгач, хизмат фаолиятини Тошкент вилояти ИИБ алоқа бўлимида бошлаган.

Музаффар Хўжаев ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ўтказилган кўпкураш мусобақаларида иштирок этиб, бир неча марта фахрли ўринларни қўлга киритган. Мамлакатимиздаги кўплаб оммавий-маданий тадбирларнинг тинч-осойишта ўтказилишида фаол иштирок этиб, турли жиноятларнинг фош этилиши, жиноятчиларнинг қўлга олинишига катта ҳисса қўшган. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида Тошкент вилояти ҳудудида содир этилган 30 дан ортиқ жиноятнинг фош этилиши, 4 нафар қидирувдаги шахсни аниқлаш, 4 нафар уюшган жиноий гуруҳни қўлга олиш, 1 нафар безорини, 8 нафар тартиббузарни ушлашда фаоллик кўрсатди.

*ИФТИХОРИМИЗДИР БУЮК АЖДОДЛАР*



2

*НАМАНГАН ГОСПИТАЛИ:*

**КЕЧА, БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР**

8



*МЕСТО ДУХОВНОСТИ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ*



10

*В ТИРЕ ТОЛЬКО ДЕВУШКИ*



23

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

# ИФТИХОРИМИЗДИР БУЮК АЖДОДЛАР

**Асрларни қаритган тарихимиз, айниқса, буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бебаҳо маданий меросимиз бугунги кунда нафақат ёшларимизни тарбиялашда, балки дунё илм-фани ва маданият соҳасида кўплаб кашфиётлар яратилишига замин бўлган. Айниқса, Мирзо Улуғбек, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби бобокалонларимизнинг илмий мероси жаҳон тамаддунида муносиб ўрин тутади.**



Амир Темур, Султон Жалолиддин Мангуберди сингари мард, жасур саркардалар кўрсатган қаҳрамонликлар ёшларни ватанпарварлик, мардлик ва фидойилик руҳида тарбиялашда муҳим омилдир. Шу боис ҳам уларнинг ҳаётини ўрганиш, ибрат олиш борасидаги маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Яқинда ИИВ Маданият саройида ўтказилган Маънавият ва маърифат дарси ҳам «Буюк аждодларимизнинг жаҳон ҳарбий санъатидаги ўрни» мавзуида бўлди.

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов тадбирни очар экан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби аждодларимиз кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида гапириб, уларнинг ҳаётини ўрганиш, аждодларга муносиб ворислар бўлиш замонамиз ёшларининг бурчи эканини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди Жумабой Раҳимов қаламига мансуб «Ватаннинг шерюрак баҳодири» номли китоб ва ундаги Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва жасорати ҳақидаги маълумотлар ҳақида фикр билдирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Жумабой Раҳимов Амир Темур ва Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати, жаҳон сиёсатида тутган ўрни, истиқлол йилларида буюк аждодларимиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш, уларнинг меросини авлодларга етказиш борасида олиб борилган ишлар ҳақида маълумотлар берди.

Таъкидланганидек, мана шундай буюк аждодларимиз миллатимиз фахри ҳисобланади. Хусусан, Жалолиддин Мангубердининг ватан озодлиги учун олиб борган мислсиз курашлари, Чингизхоннинг сон-саноқсиз, кучли лашкарига қақшатқич зарба бера олган, ҳатто шафқатсиз душманнинг-да эътирофига сазовор бўлган аждодимизнинг жасорати қалбларимизда мангу яшайди.

Шунингдек, олим ўз изланишлари, ёзган асарлари асосида Жалолиддин Мангуберди билан боғлиқ кўпчиликка маълум бўлмаган тарихий фактлар, воқеаларни сўзлаб берар экан, тингловчилар бир лаҳзага ўша даврларга қайтиб қолгандек, воқеаларнинг ичида, жангларда иштирок этаётгандек бўлишди. Нотиқнинг маҳорати, сўзларни ишончли ва таъсирчан усулда етказиб бериши тадбир иштирокчиларини сеҳрлаб қўйгандек бўлди, гўё. Тадбирдан ўзига хос таассуротлар, янгича дунёқараш, янги маълумотлар олиб чиқаётган иштирокчиларнинг фикри билан қизиқдик.

— Жалолиддин Мангубердининг аскарлари орасида, барча воқеаларни кузатиб тургандек ҳис этдим ўзимни, — дейди катта сержант Иззатилла Алиқориев. — Буюк аждодларимиз билан қанча фахрлансак, уларни қанча улуғласак арзийди. Зеро, шундай зотларнинг авлоди эканимиз бизни қанчалик шарафласа, уларга муносиб авлод бўлишдек масъулият ҳисси ҳам бор зиммамизда.



— Маънавий-маърифий тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дея суҳбатга қўшилади катта лейтенант Зокиржон Эргашев. — Чунки Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби боболаримизнинг ҳаёти, жангу жадаллари, оғир йўқотишлари, шиддатли олишувлари ҳақида эшитган, ўқиган бўлсак-да, ўша жараёнда уларнинг кўнглидан нималар ўтгани, ўзини қандай ҳис этганини билмаймиз. Жумабой Раҳимовни тинглаб, ўзимиз ўша жараёнларни қалбан ҳис этдик. Юрагимизда уларга нисбатан ифтихор туйғуси янада жўш урди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, улуғ аждодларимиз билан фахрланиш, уларнинг мардлиги ҳақида тўлқинланиб гапириш, асарлар ёзиш яхши, албатта. Айни пайтда, ватанпарварлик, хурлик ва озодликнинг қадрига етишни улардан ўрганиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda»мухбири.**
**Содиқ ҲАКИМОВ олган суратлар.**

ТАШАББУС

# «ЁШЛАР БОҒИ» БАРПО ЭТИЛДИ

***Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ва Зомин тумани ҳокимлиги томонидан ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган хайрли тадбирга қўл урилди.***



Тумандаги «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 6 гектар ер майдони ажратилиб, унга ички ишлар органлари ходимлари томонидан 3 мингга яқин ўрик, олхўри кўчатлари экилди.

«Ёшлар боғи» дея ном олган ҳудудни уюшмаган ёшларга тақсимлаб бериш кўзда тутиляпти.

Келгусида етиштириладиган ҳосилнинг ички ишлар органлари тизимидаги муассасалар томонидан харид қилиниши белгилаб олинган.

Вилоят ички ишлар органлари ходимлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида уюштирилаётган кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Чунончи, Арнасой туманида 1,5 мингта, Ғаллаорол туманида 10 мингта, Жиззах шаҳрида 11 минг 300 та мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Генерал-майор Собиров Шуҳратжон Уринбаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига

Тайинловга қадар Андижон вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Полковник Ташпулатов Азиз Анварович**

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Полковник Тасбаев Азат Дамирович**

Андижон вилояти ИИБ бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ўз хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Капитан Файзиев Азизжон Қурбонмуродович**

«Postda»–«На посту» газеталари ва «Qalqon»–«Щит» журналлари бирлашган таҳририяти давлат унитар корхонаси «Postda» газетаси ва «Qalqon» журнали бўйича бош муҳаррир ўринбосари лавозимига

Тайинловга қадар ИИВ Кадрлар бош бошқармаси Маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси, Тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектори лавозимида фаолият юритган.

РЕПОРТАЖ

# «КЕЧАГИНА УРУШ – ЖАҲАННАМДА ЭДИМ...»,

## дейди форум қатнашчиси Раъно Бойсарова

**Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзуида республика биринчи форуми бўлиб ўтди. Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, улар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.**



Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз хотин-қизларининг 1500 га яқини давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Президентимизнинг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олишини таъминлаш, ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган бир қанча фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Форумда сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Дойна Минтау хоним, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Феруза Эшматова, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Гулнора Маҳмудова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеи тобора юксалиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди. Шунингдек, аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Саҳнада ўрнатилган катта монитор орқали фарзанд тарбиясида оиланинг, ота-оналарнинг ўрни ҳамда гендер тенглик мавзуларида видеороликлар намойиш этилди.





Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, айни пайтда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов ҳам сўзга чиқиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этган, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммоларга, турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган аёлларни аниқлаш, улар билан якка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказиш, шу орқали уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш энг долзарб масалага айланганини таъкидлади.

ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр Бердиалиев эса ички ишлар органларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган ишлар, хусусан, ҳимоя ордери ҳақида алоҳида тўхталди. Шундан сўнг ҳимоя ордери ва у қандай ҳолатларда берилиши тартиб-қоидалари ҳақида тайёрланган махсус видеоролик намойиш этилди.

Шундан сўнг саҳнага ўсиб келаётган ёшларга намуна сифатида ўз ҳаётида ютуқларга эришган хотин-қизлар ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилиб, улар Ички ишлар вазирлиги томонидан муносиб рағбатлантирилди. Тадбир ИИВ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандалари тайёрлаган концерт дастурига уланиб кетди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

## Форум иштирокчилари



Республика Ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлинмаси инклюзив таълим тўгарак раҳбари, сузиш бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, Урганч давлат университети талабаси Нилуфар Аҳмедова ҳам бор эди. Нилуфарнинг имконияти чекланган бўлса-да, орзу қилишдан чўчимайди, юқори чўққиларни забт этишга, мақсадлари сари интилишга ўзида мустаҳкам ирода ва куч топа олади. У ҳақда тайёрланган «Чегарасиз» номли видеоролик барчани бирдек тўлқинлантириб юборди.

– Биласизми, имконияти чекланганлик – бу ташқи кўриниш, холос. Ақл соғлом экан, қалб соғлом экан, инсондаги имкониятлар чегарасиз! – дейди Нилуфар.

Унинг «Сен ҳаётда барча нарсага қодирсан! Сен бу – сен эканлигингга ишонишинг керак! Сен такрорланмас эканлигингни исботлашинг шарт!» деган юракдан отилиб чиққан даъватлари, шукроналик туйғулари ҳар бир инсонни ҳаяжонлантириб, айрим мудроқ дилларни уйғотгандек бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, «Меҳр» номли инсонпарварлик операцияси амалга оширилиб, Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан бир гуруҳ аёллар ва болалар юртимизга қайтарилган эди. Алдов оқибатида ўзга юртга бориб қолиб, оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказган инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилди, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Нотинчлик, уруш чангалидан юлқиб олиб чиқилганлар орасида Раъно Бойсарова ҳам бор эди.

– Тонгда кўзларимни очаман: атроф тинч, хаёл суриш, орзу-ниятлар қилиш мумкин. Кечагина уруш – жаҳаннамда эдим, орзу қилиш у ёқда турсин, кўзларимни очишга-да қўрқардим... – дея у қалб кечинмаларини кўзида ёш билан сўзлади. – Тинч ҳаёт нима эканини унутган эдик. Кўз ўнгимизда қанчадан-қанча одамлар жон берди. Энди ўша кунларни эсласам, даҳшатли тушдек қўрқиб кетаман. У кунлар ортда қолганидан хурсандман. Тинчлик – улуғ неъмат, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши шарт. Чунки осуда ва тинч ҳаёт баъзи бир мамлакатлар учун ҳанузгача ширин орзу.



# ФАРИШТАЛАР УЛУҒЛАГАН кунда таваллуд топганлар

*Абу Райҳон Беруний «Наврўз оламнинг бошланишидир», деб ёзган эди. Аллома ал-Маъмун Али ибн Тусо ал-Ризоб эса «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилган. Бу кунни подшоҳлар ҳам улуғлаган, зеро, у замоннинг биринчи кунидир», деган экан.*

*Маълумотларга қараганда, 21 санада туғилганлар фақат биттагина иш билан шуғулланишни ёмон кўришаркан. Улар бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсага қўл уриб, барчасининг уддасидан чиқади. Бундай инсон табиатан ҳар хил нарсаларга қизиқади.*

*Бу қарашнинг қанчалик тўғрилигини билиш учун айнан Наврўзи айём кунида туғилганлар ҳаёти билан қизиқдик.*

## АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ



Дин ва давлат арбоби, етук олим, моҳир таржимон Алихонтўра Соғуний 1885 йил 21 мартда Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, кейинчалик эса Мадинаи мунавварадаги дорулфунунлардан бирида таҳсил олган Алихонтўра тарихий-меъморий обидалар ва қадимги қўлёзмаларни сақлаб қолишда жонкуярлик қилган. Дарҳақиқат, у илму ҳикматнинг бир-икки соҳасида эмас, балки қироат, тафсир, ҳадис, фиқҳ, наҳв, балоғат, мантиқ, табобат, тарих, сийрат, жўғрофия, назму наср ва бошқа фанлар бўйича ҳам етук мутахассис бўлган.

«Тарихи Муҳаммадий», «Туркистон қайғуси» (1966–1973 йилларда Тошкентда ёзилган), «Девони Соғуний» (шеърий тўплам), «Шифоул илал» («Ҳасталиклар давоси») ва бошқа асарларни яратиш билан бирга, Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақоиъ», Дарвеш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи», Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» ва «Темур тузуклари» каби асарларни таржима қилган.

## НИЗОР ҚАББОНИЙ



Араб дунёсининг энг буюк адабий сиймоларидан бири – шоир, адиб ва сиёсий арбоб Низор Қаббоний 1923 йил 21 мартда Суриянинг Шом вилоятида, ўртаҳол тужжор оиласида туғилган. Илк асари «Чекиниш китоби учун эслатмалар» ўн етти ёшида чоп этилган ва у шу китоби билан адабий жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлди. Дамашқ Миллий билим юртида таҳсил олган. Бир қанча вақт Европа ва Осиё давлатларида дипломатлик қилган. Араб-Исроил урушига қадар романтик шоир сифатида танилган, урушдан сўнг дунёнинг таниқли ижтимоий шоирларидан бирига айланди.

## АБДУЛЛА ОРИПОВ

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Косон тумани Некўз қишлоғида дунёга келди. Турли йилларда республикамизнинг нуфузли нашриётларида муҳаррир, марказий нашрларда адабий ходим, бўлим мудири, муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, масъул котиб, раис, Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси лавозимларида фаолият юритган.**



Шоир ва жамоат арбоби Абдулла Ориповнинг «Тилла баликча», **«Мен нечун севаман Ўзбекистонни»** сингари дастлабки шеърлари талабалик йилларида ёзилган ва ўзбек шеъриятига ўзига хос овозга эга истеъдодли шоирнинг кириб келаётганидан дарак берган.

«Соҳибқирон» шеърий драмаси (1998)да эса қарийб уч аср давомида ҳукм сурган қудратли Темурийлар салтанатининг асосчиси ва XV аср Шарқ Уйғониш даврининг бошланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит яратган Амир Темур образини ёрқин гавдалантириб берди. Мазкур асар республикамизнинг барча йирик театрлари ва қардош мамлакатлар саҳналарида катта муваффақият билан ўйналди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни муаллифи Абдулла Орипов Наврўз ва Мустақиллик байрамларини ўтказиш бўйича ёзилган аксарият сценарийлар муаллифидир.

Абдулла Орипов жаҳон адабиёти дурдона асарларини ўзбек китобхонларига етказишда ҳам самарали меҳнат қилди. У Данте «Илоҳий комедия»сининг «Дўзах» қисмини, А. Пушкин, Н. Некрасов, Т. Шевченко, Л. Украинка, Р. Ҳамзатов, Қ. Қулиев ва М. Байжиев асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.

1990 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши, 1995 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайланди. Абдулла Орипов Калифорния (АҚШ) Фан, таълим, саноат ва санъат халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси, Сока университети (Япония) профессори, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир ҳайъати аъзоси, Ҳамза номидаги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари лауреати эди.

## НАВРЎЗДА ТУҒИЛГАН НАВРЎЗ



**Ички ишлар органлари тизимида ҳам Наврўз куни туғилганлар кўпчиликни ташкил этади.**

Майор Наврўз Аманбаев 1985 йил 21 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Ички ишлар органларида хизмат фаолиятини 2007 йилдан бошлаган. Фаолияти давомида профилактика, жиноят қидирув соҳаларида самарали хизмат қилиб, эл-юрт осойишталигини сақлаш, жиноятларни тезкорлик билан фош этишда ижобий натижаларга эришган.

– Наврўз байрами кунида туғилганим боис исмимни шундай қўйишган. Шунинг учун ҳам бу айём мен учун қўшалоқ байрам. Яна бир жиҳат борки, исмимни билган киши туғилган куним қачонлигини ҳам билади. Кўпчилик табриклаганда ҳам байрам билан, ҳам туғилган куним билан муборакбод этади.

Майор Наврўз Аманбаев жорий йилнинг 10 март куни Нурафшон шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар у шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаётган эди.

– Фурсатдан фойдаланиб, барча Наврўз ва Наврўзаларни, бутун халқимизни баҳор айёми билан муборакбод этаман, – дейди Наврўз Аманбаев.

**Ўз мухбиримиз.**

ПУБЛИЦИСТИКА



# ЯНГИ КУН, ЎЗБЕКИСТОН

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)*

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги кунда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори, Наврўзнинг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгиланиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Ер юзида шаҳарлар кўп. Кўрки ва таровати, латофати, файзи ҳамда жозибаси билан ном қозонган азим Тошкент, шубҳасиз, дунё узра машҳур ва бетакрор шаҳарлар қаторида туради. Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли у янада гўзал қиёфа касб этди. Муҳташам бинолар, равон ва кенг кўчалар, кўприклар, обод маҳаллалар, жозибали фавворалар, улкан савдо иншоотлари пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшди.

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда Тошкент, том маънода, йирик мегаполисга айланди. Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари, аввало, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида, келажак авлод манфаатлари кўзланиб, ҳудуд иқлими инобатга олинган ҳолда бўй кўрсатмоқда. Шу тариқа, бошкентимиз аждодларимиздан қолган азалий қиёфасини йўқотмасдан, замонавий кўриниш касб этиб боряпти.

Хусусан, пойтахтимиз марказида қад ростлаган «Tashkent City» мажмуи мамлакатимиз ва халқимиз қудрату шавкатини ўзида ифода эта олади, десак, янглишмаган бўламиз. «Humo Arena»нинг қурилиши мамлакатимизда ҳақиқий маънода ноёб кўнгилочар спорт иншооти қад ростлаганини билдириши билан бирга, эндиликда у аҳолининг жисмоний ва маданий ривожланишига хизмат қилади.

Тошкентда транспортнинг янги – ер усти айланма метро йўналиши барпо этилмоқда. Сергелида метронинг ер усти йўналиши қад кўтармоқда. Ер остидан ўтадиган анъанавий метро йўналишининг Юнусободдаги қурилиши давом этяпти, шунингдек, пойтахт атрофидаги ер усти айланма метро йўналиши қурилиши ҳам жадал суръатлар билан бормоқда.





Ер усти метроси фойдаланишга топширилгач, пойтахтни томоша қилиш имконини берадиган метро кунига 1 миллионга қадар йўловчига хизмат кўрсатади. Яна бир қулайлиги шундаки, йўловчи бугунги ер усти метросининг истаган кассасидан битта жетон сотиб олиб, янги айланма йўлдан пойтахтнинг метро борган истаган ҳудудига бемалол етиб бора олади.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзбекистонга бир келган киши иккинчи сафар унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқат. Ўзимиздан қиёс – қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз бор гап.

Бир сўз билан айтганда, умумэътироф этилаётган иқтисодий ютуқлар, мутлақо янги асосдаги самарали ташқи сиёсат баробарида, бунёдкорлик ҳам Ўзбекистон ҳақида тилга олинаётган гаплар, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг бош мавзусига айланган. Бунинг негизида халқимизга хос янгиланишга интилиш ҳисси, атрофдаги манзарани гўзаллик билан бойитиш фазилати, айни пайтда, катта ишларга қўл ура олиш журъати мужассамдир.

— Дунёда ўз ўрни, нуфузига эга мамлакатда яшаяпмиз, — дейди меҳнат фахрийси, «Шуҳрат» медали соҳиби Саноатхон Қурбонова. — Юртимиз тинч, маҳаллаларимиз осуда, кўнглимиз хотиржам, оиламиз фаровон. Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан камол топишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Кўплаб корхоналар, хусусий фирмалар ишга туширилияпти. Хиёбонлар, дам олиш масканлари, шифохоналар қад ростлаяпти. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадри ва унинг манфаатлари улуғланаётганлигидан далолатдир.

Бугун дунё миқёсида иқтисодий жиҳатдан инқирозлар юз бераётган бир пайтда бирор-бир бино, иншоот, иморат, даҳа ва мавзелар қуриш осон кечадиган жараён эмаслиги барчага аён. Лекин ана шундай шароитда ҳам мамлакатимиз Президенти кўплаб шаҳарларни янгидан қайта қуриш, халқимиз ҳаётини яхшилаш, улар учун қулайлик ва фаровонлик яратиш учун имконият яратиб бермоқда.

Наврўз — янги кун. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам бугун ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Янгиланаётган, кундан-кунга ривожланиб бораётган юртимиз азалий қадриятларимиз сарчашмаси — Наврўзни қарши олмоқда. Бугун ҳар қанча шукроналар айтсак, умримизнинг ҳар дақиқасини Ватан тараққиёти йўлида сафарбар этсак арзийди. Тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш энг муҳим бурчимиз эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Негаки, хотиржам юртга байрамлар, тўй-томошалар, хурсандчиликлар ярашади. Бинобарин, бугун эл-улус қалбида бунёдкорлик кайфияти барқарорлиги, жойларда яратувчанлик юмушлари қизғин давом этаётгани ҳам тинчлик шарофатидандир.



**Ирода ЎРМОНОВА.**

ЯЗЫК – ЗЕРКАЛО НАЦИИ

# ОСНОВА НАШЕЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

**Сегодня родной Узбекистан поднимается на новый этап своего развития на основе главного принципа «От национального возрождения – к национальному прогрессу». В процессе осуществления в стране широкомасштабных реформ все более возрастает роль государственного языка.**



В целях повышения в социальной жизни нашего народа статуса узбекского языка, ведения единой государственной политики в сфере его развития, воспитания молодого поколения в духе патриотизма 21 октября 2019 года издан Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка».

Указом предусмотрено дальнейшее совершенствование системы обучения государственному языку, создание благоприятных условий для его изучения в образовательных учреждениях.

Профессорско-преподавательским составом кафедры изучения языков Академии МВД Республики Узбекистан на основе современных педагогических технологий обеспечивается преподавание узбекского языка курсантам групп с русским языком обучения. Разрабатываются комплексы, основанные на новых методических решениях и подходах. При этом особое внимание уделяется профессиональной направленности обучения языку: развитию у курсантов навыков делопроизводства, составления процессуальных документов, правильного применения юридических терминов и понятий на государственном языке.

На сегодняшний день в распоряжении курсантов имеются оригинальные учебники «Ўзбек тили», «Юристнинг ёзма нутки», учебные пособия «Ҳуқуқшунослик мутахассислиги тили», «Мутахассислик тили», «Хизмат ҳужжатларидан намуналар», «Ўзбек тилида иш юритиш бўйича машқлар тўпламии» и др., способствующие комплексному развитию устной и письменной компетенции.

Особое направление деятельности – внеаудиторная работа. В соответствии с кафедральным планом систематически проводятся дополнительные занятия, ведется кружковая работа. Организуются презентации и выставки новых книг, циклы культурно-просветительских мероприятий, посвященных родному языку как символу национального самосознания и независимой государственности, в которых принимают участие ученые-филологи, известные деятели культуры.

Главная цель данных мероприятий – воспитание у юношей и девушек любви к родному языку – духовной основе независимости Родины.

**Анвар КУРГАНОВ,**
**подполковник.**
**Фото Сухроба ШОМАНСУРОВА.**

ЛИЧНОЕ МНЕНИЕ

## Душа народа

Существует утверждение: без языка нет нации, а без нации нет страны. Язык – основа народной самобытности, национального самосознания. Без знания родного языка трудно ощутить себя частью своего народа.

Язык – основа культуры. Люди, владеющие не только родным, но и другими языками, расширяют кругозор, свои горизонты. Чем больше языков знает человек, чем богаче его внутренний мир, тем больше открывается для него перспектив.

Однако родной язык – это душа родного народа, а к душе нужно относиться бережно.

**Абдувахоб ХАЛИКОВ,**
**кандидат филологических наук, доцент,**
**подполковник.**

В ПРЕДДВЕРИИ ПРАЗДНИКА



## РАБОТА ПО БЛАГОУСТРОЙСТВУ И ОЗЕЛЕНЕНИЮ



Пришла весна, природа проснулась от зимней спячки, запели птицы, расцвели деревья, радуя красотой и ароматом. До объявления в нашей стране мер по предотвращению распространения коронавируса во всех регионах прошли работы по благоустройству и очистке территорий, наведению надлежащего порядка.

Сотрудники органов внутренних дел Наманганской области, засучив рукава, взялись за труд. К примеру, на территории Янгикурганского РОВД обрезали и побелили деревья, посадили более 200 цветов, а также саженцы 65 фруктовых и 92 декоративных деревьев. В 36 опорных пунктах органов внутренних дел, служебных домах инспекторов профилактики провели работу по благоустройству и озеленению.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*

НАШ НАВРУЗ

# ПРАВИЛА ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ – ЭТО ПРАВИЛА ЖИЗНИ

**В преддверии самого долгожданного весеннего всенародного праздника Навруз корреспонденты Объединенной редакции МВД поинтересовались, есть ли среди блюстителей правопорядка сотрудники, носящие имя Навруз? Оказалось, что сотрудники с таким именем служат в различных подразделениях органов внутренних дел. Об одном из них – старшем инспекторе 2-го батальона бригады ДПС УБДД ГУВД г. Ташкента майоре Наврузжоне Исаеве мы хотим рассказать сегодня.**



Уроженец Бахмальского района Джизакской области по наставлению отца, покойного Олимжон ака Исаева, прослужившего многие годы в прокуратуре, после окончания юридического факультета подал документы в органы внутренних дел. Окончив Высшие курсы по подготовке сержантского состава Академии МВД республики в декабре 2007 года, в звании младшего сержанта он начал работать инспектором ДПС УБДД ГУВД столицы. На протяжении 13 лет майор Наврузжон Исаев самоотверженно служит в рядах органов внутренних дел и вносит достойный вклад в обеспечение безопасности дорожного движения.

Наврузжон утверждает, что Правила дорожного движения – это правила жизни. О том, чем может обернуться невнимательность или спешка на проезжей части, он знает не понаслышке.

– Увы, не все наши сограждане внимают призывам стражей порядка быть внимательнее и осторожнее на дорогах, уважать других участников дорожного движения и строго соблюдать установленные правила, – говорит Наврузжон Исаев. – Эти правила складывались не один год, не по прихоти какого-то определенного человека они были придуманы. Каждый пункт ПДД продиктован конкретным случаем, реальной судьбой.

Основной задачей сотрудников УБДД является обеспечение соблюдения всеми участниками дорожного движения, будь то автомобилист или пешеход, Правил дорожного движения и профилактика ДТП. Майор Исаев уверен, что основная причина ДТП – безответственное отношение водителей, в первую очередь, к самому себе, затем к семье, которая ждет его дома, а уж потом – к участникам дорожного движения и согражданам.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

С НОВОСЕЛЬЕМ!

# СТИМУЛ ДЛЯ ЭФФЕКТИВНОЙ СЛУЖБЫ

**К празднику Навруз сотрудники отдела внутренних дел № 1 УКД ОВД Бектемирского района получили замечательный подарок.**

**На днях состоялась торжественная церемония открытия нового здания отдела внутренних дел № 1 УКД ОВД Бектемирского района, в которой приняли участие заместитель начальника ГУВД г. Ташкента подполковник Ойбек Муродов, хоким Бектемирского района Шохрух Мамаджанов, прокурор района Донияр Атаджанов и другие.**



– Весьма символично, что столь знаменательное событие произошло в канун весеннего праздника Навруз, – говорит начальник УКД ОВД Бектемирского района полковник Зиёд Иминов. – Это стимул для личного состава служить с удвоенным старанием, оправдывая доверие людей.

Отныне жителям трех махаллей – Бектемир, им. Абая и Х. Байкаро не понадобится ехать в УКД ОВД для подачи, например, заявления о совершенном в отношении них противоправном действии. Достаточно будет прийти в отдел внутренних дел по месту жительства, обслуживающий сразу несколько махаллей, и по поданному заявлению незамедлительно будут приняты меры.

В небольшом двухэтажном здании готовы к приему посетителей кабинеты инспектора профилактики правонарушений, дознавателя, оперуполномоченного уголовного розыска, инспекторов по вопросам женщин и по предупреждению правонарушений среди несовершеннолетних, психолога, сотрудника службы миграции и оформления гражданства. В светлых, просторных комнатах, оснащенных современной оргтехникой, стоит удобная мягкая мебель, обустроены места ожидания для граждан. В фойе посетителей встречает небольшая библиотека, рядом – кресла, сидя в которых люди могут почитать книгу в ожидании приема. А на втором этаже находится зал для проведения совещаний.

Ранее в этом здании размещались сотрудники двух служб – миграции и оформления гражданства и профилактики правонарушений. После того, как отделу МиОГ было выделено другое здание, а подразделению профилактики – кабинеты в УКД ОВД, данное строение капитально отремонтировали и передали отделу внутренних дел № 1.

Здесь теперь работают кабинеты по направлениям деятельности органов внутренних дел, царит деловая атмосфера, но нет нервозности и утомительных ожиданий в очередях. Видеоселекторная связь позволяет, что называется, держать руку на пульсе событий, действовать быстро, оперативно связываясь с подразделениями ГУВД столицы и УКД ОВД районов.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**







АРИПОВСКИЕ ЧТЕНИЯ

# ПОЭЗИЯ, НАПОЛНЕННАЯ СМЫСЛОМ

**13 марта 2020 года в Военно-техническом институте Национальной гвардии состоялось мероприятие, посвященное дню рождения великого сына узбекского народа – Абдуллы Арипова.**

На творческий вечер были приглашены супруга поэта, Ханифа Мустафаева, профессорско-преподавательский состав и сотрудники института. Выступающие отметили выдающуюся роль Абдуллы Арипова в развитии узбекской поэзии второй половины XX века – начала XXI века.

Выходец из простой семьи, он посвятил свою жизнь служению Родине, народу и родному языку. Его произведения отличались глубиной философской мысли. Как отмечал народный писатель Узбекистана Тахир Малик, стихам Абдуллы Арипова присущ поиск истины, они самобытны и узнаваемы среди сотен произведений других поэтов. Он мог даже в маленькое четверостишие вложить большой философский смысл.

Супруга Абдуллы Арипова поведала об интересных моментах жизни и творчества поэта, поделилась историей написания Государственного гимна. Ханифа Мустафаева говорила о сочинениях мужа, которые хранятся в рукописях. Они ждут своей очереди и будут изданы в ближайшее время. Она сообщила, что идет большая подготовка к 80-летнему юбилею поэта.

На творческом вечере звучали стихи Абдуллы Арипова. Их декламировали сотрудники института, военнослужащие, ученики и супруга поэта.

Мероприятие оставило неизгладимое впечатление у присутствующих. Проведение такого рода встреч необходимо для повышения уровня духовности будущих правоохранителей.





**Дилмурод ИРГАШЕВ,**
**старший преподаватель кафедры информационно-аналитической деятельности ВТИ Национальной гвардии Республики Узбекистан.**

ИИВ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА

# Наманган госпитали: КЕЧА, БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

**Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги Наманган госпитали ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг соғлиғини мустаҳкамлаш, даволаш, касалликларнинг олдини олишда турли физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш орқали реабилитация қилишга ихтисослашган. Мазкур шифохона 1977 йилдан буён фаолият кўрсатади. 1981 йилда унинг ҳудудида 2000 метр чуқурликдан минерал элементларга бой шифобахш сув топилган. Бу эса масканнинг янада оммабоп бўлишига, айнан шу ерда даволанишга ошиқувчилар сонининг кўпайишига хизмат қилди.**





Госпиталда неврология, терапия, кардиология, диагностика, физиотерапия бўлимлари фаолият кўрсатяпти. Бир юз эллик нафардан зиёд тиббиёт ходими беморларни даволаш ва уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Шифо маскани врачларининг айтишича, госпиталь ҳудудидаги табиатнинг ўзиёқ кайфиятни кўтариб, даволаш самарасини оширади. Йил давомида ҳудудга чирой бериб турувчи ҳар турдаги арча, эман, сакура, павлония, каштан ва бошқа манзарали дарахтлар нафақат инсонга хуш кайфият беради, балки даволанувчиларнинг нафас йўлларига ижобий таъсир кўрсатади, кўнгилга сокинлик бахш этади. Ёзда эса мевали дарахтларнинг ширин ва витаминларга бой меваларидан беморлар баҳраманд бўлишади. Кўкаламзорлаштиришга алоҳида аҳамият берган маскан ходимлари чиройли муҳитни барпо этишга эришган. Шу ўринда, баҳор бошланиши билан ҳудудда турли-туман анвойи гуллар қийғос очилиши ва гўзаллиги кўзларни қувнатишини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Госпиталдаги саломатлик посбонларининг мақсади ягона – даво излаб келган инсонларга шифо улашиш. Бунинг учун шифокор ва бошқа тиббий ходимлар тинмай меҳнат қилмоқда. Масалан, терапия бўлимининг малакали шифокорлари бронхит, пневмония, бронхиал астма, гипертония, сурункали юрак ревматик касали, гастрит, колит, ўт, сийдик йўллариdаги хасталиклар, ревматоид артрит, камқонлик ва шунга ўхшаш касалликларни самарали даволашмоқда. Кардиология бўлими шифокорлари эса ўз йўналишлари бўйича салмоқли натижаларга эришиб, юрак-қон томир касалликлари билан келган ходимларни даволашда замонавий усулларни кенг қўллашяпти. Неврология бўлимида умуртқа поғонаси остеохондрози, диск чурраси, невропатия ва бошқа шу йўналишдаги хасталикларга чалинганлар шифо топишяпти. Масканнинг физиотерапия бўлими энг кўп ташриф буюриладиган жой ҳисобланади. Мазкур бўлим барча орган касалликларини даволаш учун мўлжалланган.

Госпиталь ҳудудида чиқаётган 45 даража иссиқликдаги шифобахш сув тўғрисида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Унинг шифобахшлиги шундаки, таркибида 32 хил кимёвий элемент мавжуд. Асосий қисмида калий, кальций, магний, бром, йод моддалари борлиги сабабли таянч-ҳаракат тизими, остеохондроз, полиартрит, қалқонсимон без, юрак-қон томир, бўғим касалликларини даволашда яхши самара бериб, асабни тинчлантириш хусусиятига эга. Сув даражаси иссиқ бўлганлиги туфайли ходимлар унга совуқ сув қўшиб, 37 даража ҳолатига келтиради. Ванна ва бассейнда ҳам беморнинг ҳолатига қараб физиотерапевтик даво белгиланади. Диск чурраларини даволашда сувда тортиш усули кенг қўлланилади. Махсус жиҳозлар ёрдамида сувга тушган бемор тортилади ва бир неча бор муолажа такрорлангандан сўнг ўзида енгиллик ҳис қилади.

Госпиталда касалликларни эрта ташхислашда диагностика бўлими ва тор мутахассислар гуруҳи бор имкoният ва тажрибадан фойдаланмоқда. Ультратовуш аппарати таянч-ҳаракат аъзолари, бўғим хасталикларида оғриқ қолдирувчи муолажа сифатида қўлланилади. Ёруғлик билан даволовчи «Соллюкс» аппарати шамоллаш, кўкрак қафаси, неврология, пневмонияда самарали даво усули ҳисобланади. Шифо масканининг ошхонасида касал тури ва беморнинг аҳволига қараб, ҳар бир даволанувчига муайян стол белгиланади, овқатланиши назорат қилинади.

Госпиталь ходимлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз: терапия бўлими бошлиғи, майор Адҳамжон Жамилов ва бўлим шифокор-терапевтлари Малоҳат Насимова, Муҳаббат Атамирзаева, Маҳмуда Абдураҳимовалар шифохонадаги шароит, даволаш усуллари ҳақида батафсил гапириб беришди.

– Госпитални капитал таъмирдан чиқариш ишлари вазирлигимизнинг диққат-марказида, – дейди госпиталь бошлиғи, капитан Исроилжон Абдуллаев. – Сувли муолажалар биносини бир комплекс қилиш, шунингдек, физиотерапия ва бадантарбия билан шуғулланиш комплексини тузиш ҳам кўзда тутилган. Кўпгина физиотерапевтик аппаратлар эскирган туфайли улар босқичма-босқич янги, замонавий турларига алмаштирилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 70 мингдан ортиқ физиотерапевтик муолажа амалга оширилгани даволанишнинг бу усулларига эҳтиёж катталигини билдиради. Яна бир режа: тузли ғор яратиш. Бу усул ҳам хасталикларнинг кўпгина турларини даволашда асқатиши табиий.





**Азиза ЖОНИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Наманган вилояти.*

БИЛАСИЗМИ?

**Наврўзни нишонлаш қачондан расм бўлгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, аммо афсона ва ривоятлар кўп. Масалан, милоддан аввалги VII аср бошларида Марказий Осиёда вужудга келиб, Эрон, Афғонистон, Озарбойжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг талай мамлакатларига тарқалган, араблар истилосига қадар 1300 йилча амалда бўлган зардуштийлик динини олайлик. Унга кўра, яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор ва ёзда, ёмонлик ва ёвузлик худоси Анхрамайну (Ахриман) куз ва қишда ўз ҳукмини ўтказади, деган ақида қарор топган. Кўкламнинг Наврўзга тўғри келувчи биринчи куни Ахурамазда Анхрамайну устидан зафар қучган сана сифатида байрам қилинган. Бошқа бир афсонада Одам Ато билан Момо Ҳаво илк бор учрашган кун ҳам Наврўз дея номланган.**



МУЛОҲАЗА

**Субҳидам. Тонги соат тўрт. Одамларнинг аксарияти ҳали ширин уйқуда. Аммо шундай заҳматкаш инсонлар борки, сизу бизнинг саломатлигимиз ва шаҳримизга орасталик бериш учун улар меҳнат фаолиятини ана шу пайтдан бошлашади. Бу фидойи инсонлар ободонлаштириш хизмати ходимларидир. Уларни ҳеч иккиланмай шаҳримизнинг озодалик фариштaлари, десак, арзийди.**



# ОЗОДАЛИК ВА ОБОДЛИК ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Баъзан табиатга боқиб ҳайратдан лол қоласиз: ҳар йили у ўзини янгилайди, ҳаётини янгидан бошлаб, яшаш учун курашади. Баъзи одамлар эса бундан ибрат олмайди, бугунини ўйлаб, эртасига қарамайди, фикр қилмайди. Бундай мулоҳаза юритишга сабаб бор. Кейинги йилларда ҳукуматимизнинг ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилиб, маданий дам олиш масканлари кўпайди, наботот олами гўзаллашди. Одамлар меҳнатдан сўнг бу жойларга келиб ҳордиқ чиқаришмоқда, халқимиз қўлида сайқал топган бу мўъжизалардан баҳраманд бўлишмоқда.

Одамларга мана шундай шароитлар яратиб бериш замирида заминимизнинг қадрига етиш, табиатини соғломлаштиришга ҳисса қўшиб, келажак авлодга бекаму кўст етказиш мужассам. Шундай бўлса-да, айримларнинг бунга бепарво ёндашаётгани оқибатида атроф-муҳит зарарланиб, наботот олами ва одамлар саломатлигига жиддий путур етказаётган ишларни кўра-била туриб, сукут сақлаётганимиз афсусланарлидир.

Ҳар хил чиқинди ва ахлатлар билан тўлган уйлар атрофидаги бетон ариқчаларга, кириш йўлаклари, болалар ўйнайдиган майдончаларга сиз ҳам дуч келгансиз. Ваҳоланки, ҳар 5–10 та кўп қаватли уйда яшовчилар учун шу жойнинг ўзида алоҳида чиқиндихоналар қуриб қўйилган бўлса-да, елим пакетчалар, ичимликдан бўшаган турли идиш ҳамда бошқа дилни хира қилувчи буюмлар кўр-кўрона ташлаб кетилаверилгани ачинарли ҳолдир.

Миробод туманига қарашли иккинчи ва тўртинчи мавзеларда аҳвол бундан-да баттар: аҳоли яшаш масканлари, кўп қаватли уйлар атрофига қараб бўлмайди. Айримлар эса уйи яқинида махсус чиқиндихона борлигига қарамай, ҳар турдаги лаш-лушларни тўғридан-тўғри балконидан пастга улоқтиргани яққол кўзга ташланади.

– Кўп йилдан буён иккинчи мавзеда яшайман, – дейди пенсионер Т. Равшанов. – Ҳар йили икки-уч марта ҳашар уюштириб, уйларимиз атрофини тозалаймиз. Бундан ташқари, туман ободонлаштириш бошқармаси ишчилари кун ора супуриб-сидиришади. Бироқ ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна ифлосгарчиликлар юзага келади. Ачинарлиси шуки, буни ҳеч ким атай четдан келиб қилмайди.

Бундай нохуш ҳолатдан шаҳримиздаги Шайхонтоҳур, Яккасарой, Юнусобод, айниқса, Чилонзор каби туманлар ҳам холи эмас. Масалан, Яшнобод туманидаги Янгиобод, «Панельный» мавзеларидан оқиб ўтувчи катта ариқ атрофида бир нечта маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар жойлашган. Яқин-яқинларгача ариқ бўйларида чиройли ўриндиқлар ўрнатилган бўлиб, шу жойда яшовчилар ҳамда ўтган-қайтган йўловчилар бўш вақтларида ўтириб, ҳордиқ чиқаришарди. Бу ерда ҳам кимлардир чиқиндилар ташлаб кетишга улгурган. Ён-атрофга қараб бўлмайди.







– Баҳор фасли бошланди, – дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Санитария-эпидемиология назорат бош маркази эпидемиология бўлими бошлиғи, подполковник Ботир Фозилов. – Бу давр организмда иммунитет сусайиши натижасида сувчечак, ичак билан боғлиқ хасталиклар, пневмония, тумов, шамоллаш, сил, қизамиқ сингари касалликларнинг ривожланиш мавсуми. Бундай хасталиклар кўпаймаслигининг олдини олиш учун соҳадагилар зарур чораларни кўришмоқда. Шунга қарамасдан, кузатишларда бу хасталиклар асосан айрим хонадонлар ва ён-атрофида соғлом муҳит яратилмагани, махсус чиқиндихоналар бўла туриб, дуч келган жойда бактерияларни қўзғатувчи ахлатлар ташлаб кетилаётгани муаммонинг олдини олишга халал бермоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар биримиз масъулиятни ҳис этсак, энг аввало, ўзимизнинг саломатлигимизни асраган бўлардик, қолаверса, шаҳримиз ободлиги ҳамда орасталигини таъминлашга муносиб ҳиссамиз қўшиларди.

**Абдусами ҚОДИРОВ.**
*Тошкент шаҳри.*

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

## БАҲОР КЕЛДИ

*Бодом гулларидан ёришгай юзлар,*
*Тоғларнинг бағрида эрийди музлар.*
*Ялпиз териш учун отланди қизлар,*
*Баҳор келди юртим, Наврўз муборак!*

*Шукрона айтамиз тинчликни кўриб,*
*Мустақил юртимга безаклар бериб,*
*Ўриклар гуллади куртакни ёриб,*
*Баҳор келди юртим, Наврўз муборак!*

*Она қалби каби иликдир олам,*
*Қалдирғоч тутқазди қўлимга қалам.*
*Тоғларда лолаю қизғалдоқлар жам,*
*Баҳор келди юртим, Наврўз муборак!*

*Баҳорий хушнаво қўшиқлар айтиб,*
*Ана, турналар ҳам келмоқда қайтиб.*
*Бойчечаклар кулар кўзни қувнатиб,*
*Баҳор келди юртим, Наврўз муборак!*

*Лолақизғалдоқдан ясай гулдаста,*
*Дилдаги сўзларим бўлсин дилдаста,*
*Бахт ва омад сизга бўлсин пайваста,*
*Баҳор келди юртим, Наврўз муборак!*

**Гулираъно САТТОРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Навоий академик лицейи ўқувчиси.**

ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ АЁЛ

# ЖАМОА ФАХРИ

**Ҳаётда қувончли ва ташвишли кунлар кўп бўлади. Улар қайси бир жиҳатлари билан умр дафтарига муҳрланади. Самарқанд вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш бўйича махсус отряд ходими, сержант Гулдона Қаҳрамонова учун 2001 йил ҳам алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки ўшанда у ўз ҳаётини ички ишлар органлари тизими билан боғлаган эди.**

Гулдона умрининг қарийб 19 йилини ички ишлар органлари тизимига бағишлаган. Нафсиламрини айтганда, бир соҳада узоқ вақт меҳнат қилиш аёл учун жуда катта шараф. Чунки аёлнинг ҳуқуқ-тартибот соҳасида хизмат қилиши ундан матонатли, ҳалол ва жасоратли бўлишни талаб этади. Сержант Гулдона Қаҳрамоновада эса бу хислатлар тўла-тўкис мужассам.

Гулдона ўзининг ташкилотчилиги, раҳбарият томонидан топширилган ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бекаму кўст бажариши билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. У жойларда ўтказилаётган оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлашда ҳам фаол қатнашади. Ёш кадрлар билан ишлаш, уларга хизматнинг сир-асрорини ўргатиш, касбга йўналтириш ҳам Гулдона зиммасида. Шу маънода жамоада кўпчилик сержант Гулдона Қаҳрамоновани устоз деб эъзозлашади. Шогирдлари сафдорлар Г. Муродова, Г. Мирсаидова, Д. Эшмуродова, Л. Сулаймонова, Ф. Бўронова, М. Синдарова шулар жумласидандир.

– Гулдона жамоамиз ифтихори, – дейди ППХ ва ЖТСБга бевосита бўйсунувчи бўлинмалар патруль-пост хизмати батальони бошлиғи, майор Амир Ҳайдаров. – Биз Гулдона билан ҳақли равишда фахрланамиз. У ўз ишига доимо масъулият билан ёндашади. Касбини ардоқлаши, талабчанлигини қадрлайман.

Гулдона оилада меҳрибон она, севимли ёр. Фарзанди Дилшоджон яхши инсон бўлиб улғаймоқда. Турмуш ўртоғи истеъфодаги сержант Хайрулла Тўраев ҳам юрт тинчлиги, халқ осойишталиги йўлида намунали хизмат қилган.

– Аҳиллик ва тотувлик бўлган, бир-бирини эъзозлаган оилада ҳар доим хурсандчилик ҳукмрон бўлади, – дейди Гулдона. – Турмуш ўртоғим доимо қўллаб-қувватлаб келган, оғир дамларда менга кўмаклашади. Касбим масъулиятли эканлигини эслатиб туради.

Аёл уйимиз, ҳаётимиз шамчироғи. Оила рўшнолиги, фарзандлар камоли ҳам ана шу муътабар зотларга боғлиқ. Эркаклар билан бир сафда хизмат қилиб келаётган Гулдонага касб-корингизга, оилангизга барака деб қоламиз.

**Умрзоқ ҒАФФОРОВ,**
**истеъфодаги катта сержант.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# МЕСТО ДУХОВНОСТИ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

**Процессы государственного и общественного строительства, социально-экономическое развитие Узбекистана проходят в неразрывной связи с духовным совершенствованием и обновлением нашего общества. Сегодня народ Узбекистана уверенно движется по пути прогресса, опираясь на национальный менталитет, для которого характерны высокая духовность, стремление к просвещению, справедливость, честность, преданность Родине.**



Стратегические реформы и преобразования, осуществляемые во всех сферах жизни Узбекистана, активно влияют на процесс становления молодого поколения и определяют основные направления воспитания.

В настоящее время в Узбекистане молодежь в возрасте от 14 до 30 лет составляет тридцать процентов населения. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев уделяет особое внимание духовному развитию подрастающего поколения, пропаганде чтения, воспитанию высокой нравственности, выработке иммунитета к чуждым идеям.

Глава государства выдвинул важные инициативы по организации социальной, духовно-просветительской, воспитательной работы среди молодежи. Для этого, начиная с детского возраста, необходимо возбуждать интерес к музыке, рисованию, литературе, театру и другим видам искусства, создавать необходимые условия для проявления талантов и способностей, приобщать к физической закалке, спорту, использовать во благо увлечение компьютерными технологиями и интернетом, широко пропагандировать чтение и книги.

Чем лучше подрастающее поколение будет разбираться в принципах работы инновационных технологий, на которых в том числе строится деятельность современных информационных ресурсов, тем более разборчивыми станут юноши и девушки в оценке происходящих событий и явлений. Для этого Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций во всех городах и районах были организованы учебные центры, в которых обучают работе с цифровыми носителями.

В формировании независимого мышления и широкого кругозора неоценима роль книги. В связи с этим, по инициативе главы государства, в рамках проекта «Караван просвещения» организовано издание художественной, образовательной литературы.

Юноши и девушки могут стать полноценными членами общества при наличии цели в жизни, широкого мировоззрения, социально-психологической устойчивости к воздействиям чуждой идеологии, высокой жизненной активности и осознанной ответственности.

В достижении этих целей велика воспитательная роль органов внутренних дел. Так, в образовательных учреждениях МВД Республики Узбекистан осуществляется подготовка высококвалифицированных и профессиональных кадров для системы органов внутренних дел.

В учебных заведениях МВД проводится широкомасштабная комплексная работа. Разработан курс лекций «Жить на основе высокой духовности и верховенства закона, формировать преданность Родине и народу, чувство справедливости, честность и высокую культуру общения». При этом большое внимание уделяется воспитанию патриотизма, любви к Родине, справедливости, честности, преданности, мужества и отваги, которыми должен обладать каждый сотрудник органов внутренних дел.



Молодой страж порядка, обладающий высокой духовностью, должен чувствовать сопричастность к проводимым в стране преобразованиям, преданность своей профессии, мужественно стоять на защите населения, обеспечивать верховенство закона. Овладение профессиональными знаниями, укрепление практических навыков должно проводиться в неразрывной связи с духовным совершенствованием. Интеллектуальный и нравственно-духовный потенциал сотрудников ОВД играет важную роль в воспитательном процессе.



Но не только в стенах образовательных учреждений МВД проводится формирование патриотичной и ответственной, духовно развитой и морально устойчивой молодежи. Сотрудники органов внутренних дел исполняют роль наставников подрастающего поколения, проводя беседы на актуальные темы с учащимися образовательных учреждений, юношами и девушками, проживающими на вверенных территориях, в том числе с неорганизованной частью молодежи. Обсуждение касается не только проблем подростковой преступности, ограждения от наркомании, алкоголизма. Оказывается адресная помощь попавшим в трудную ситуацию несовершеннолетним, поддержка малоимущим семьям, людям с ограниченными возможностями. Именно такое небезразличное отношение сотрудников органов внутренних дел к людям оказывает огромный воспитательный эффект на молодежь, является гарантом того, что она уже в недалеком будущем выведет Узбекистан в ряд развитых государств мира.

Духовное воспитание подрастающего поколения, основанное на национальных и общечеловеческих ценностях, является составной частью работы по формированию у юношей и девушек нашей страны, многие из которых мечтают влиться в ряды сотрудников органов внутренних дел, любви к Родине, верности служебному долгу, честности и справедливости.





**Алим МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук, доцент, подполковник.**

ПРАКТИКА

# МОЯ ЦЕЛЬ – СЛУЖИТЬ НАРОДУ

**В рамках программы «Наставник-ученик» курсанты Академии МВД Республики Узбекистан в тесном сотрудничестве с инспекторами профилактики правонарушений проходят практику, в ходе которой получают знания и навыки, необходимые в будущем для несения службы.**



К примеру, инспектор профилактики опорного пункта, находящегося на территории МСГ «Дарбент» г. Нукуса, где мы проходим практику, капитан Батыр Халмуратов на своем опыте учит профессии будущих стражей порядка.

Нами освоены суть, понятия, виды профилактики правонарушений. Мы узнали о методах работы, внедрении передового опыта и инновационных технологий, правовом, организационно-методическом аспекте деятельности, значении укомплектования сферы квалифицированными кадрами. Сегодня предпринимается ряд практических шагов для установления целевого сотрудничества ОП ОВД с общественностью для более активного привлечения людей к работе по профилактике правонарушений.

Знания и навыки, получаемые нами, станут прочной основой для результативного несения службы. Наша работа неразрывно связана с охраной мира и спокойствия, благополучия населения. Моя цель – искренне служить Родине и своему народу.

**Азизбек ЖАРЫЛКАГАНОВ, курсант 3-го курса Академии МВД Республики Узбекистан.**

ПРАВОВАЯ ПРОПАГАНДА

# НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИЕ ВПРАВЕ САМОСТОЯТЕЛЬНО ОБРАЩАТЬСЯ В ГОСОРГАНЫ

**Президентом Республики Узбекистан подписан Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» (№ ЗРУ–608 от 10 марта 2020 г.).**

**В соответствии с нормативно-правовым актом в ряд законов и кодексов внесены изменения в связи с установлением дополнительных гарантий прав ребенка.**

В частности, ч. 5 ст. 11 Закона «О гарантиях прав ребенка» изложена в следующей редакции: «При нарушении прав, свобод и законных интересов ребенка, в том числе при невыполнении или ненадлежащем выполнении родителями (одним из них) или лицами, заменяющими родителей, обязанностей по содержанию, воспитанию и образованию ребенка либо при злоупотреблении родительскими правами ребенок вправе самостоятельно обращаться за защитой своих прав и законных интересов в орган опеки и попечительства, а также в другие государственные органы. Не допускается оставление без рассмотрения таких обращений по причине недостижения ребенком полной дееспособности».



Кроме того, текст ст. 15 данного Закона теперь гласит, что каждый ребенок вправе выражать свое мнение при решении в семье любого вопроса, а также быть заслушанным в ходе любого судебного или административного разбирательства. При этом органы и должностные лица, уполномоченные принимать решения, при разрешении вопросов, затрагивающих интересы ребенка, должны рассматривать мнение ребенка, независимо от его возраста, и принимать решения исходя из наилучших интересов ребенка.

Аналогичным положением дополнена и ст. 68 Семейного кодекса.

Отныне при раздельном проживании родителей и ребенка органы опеки и попечительства, а также ребенок, достигший четырнадцати лет, вправе возбуждать иск о взыскании алиментов на содержание несовершеннолетних детей одновременно с отца и матери. Об этом гласит ч. 4 ст. 96 Семейного кодекса.

Норма, закрепляющая, что несовершеннолетние лица вправе самостоятельно подавать обращения по вопросам соблюдения своих прав, свобод и законных интересов в государственные органы, организации или их должностным лицам, введена также новой ст. 24[1] в Закон «Об обращениях физических и юридических лиц».

В соответствии с вышеизложенным надлежащее изменение внесено в ч. 3 ст. 42 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Данные изменения и дополнения, несомненно, будут способствовать обеспечению прав и законных интересов детей, укреплению механизма их реализации.



**Подготовлено по материалам Telegram-канала «Правовая информация».**

ПИСЬМО СЫНУ




Послушай, сын. Я произношу эти слова в то время, когда ты спишь, твоя маленькая рука подложена под щечку, а вьющиеся белокурые волосы слиплись на влажном лбу. Я один прокрался в твою комнату. Несколько минут назад, когда я сидел в библиотеке и читал газету, на меня нахлынула тяжелая волна раскаяния. Я пришел к твоей кроватке с сознанием своей вины.

Вот о чем я думал, сын: я сорвал на тебе свое плохое настроение. Я выбранил тебя, когда ты одевался, чтобы идти в школу… Я отчитал тебя за то, что ты не почистил ботинки. Я сердито закричал на тебя, когда ты бросил что-то из своей одежды на пол.

За завтраком я тоже к тебе придирался. Ты пролил чай. Ты жадно глотал пищу. Ты положил локти на стол. Ты слишком густо намазал хлеб маслом. А затем, когда ты отправился поиграть, а я торопился на поезд, ты обернулся, помахал мне рукой и крикнул: «До свидания, папа!», я же нахмурил брови и отвечал: «Расправи плечи!».

Помнишь, как ты вошел потом в библиотеку, где я читал, – робко, с болью во взгляде? Когда я мельком взглянул на тебя поверх газеты, раздраженный тем, что мне помешали, ты в нерешительности остановился у двери. «Что тебе нужно?» – резко спросил я.

Ты ничего не ответил, но порывисто бросился ко мне, обнял за шею и поцеловал. Твои ручки сжали меня с любовью, которую бог вложил в твое сердце и которую даже мое пренебрежительное отношение не смогло иссушить. А затем ты ушел, семеня ножками, вверх по лестнице.

Так вот, сын, вскоре после этого газета выскользнула из моих рук и мною овладел ужасный, тошнотворный страх…

Я пришел к твоей кроватке в темноте и, пристыженный, преклонил перед тобой колени!Это слабое искупление…

Но завтра я буду настоящим отцом! Я буду дружить с тобой, страдать, когда ты страдаешь, и смеяться, когда ты смеешься. Я прикушу свой язык, когда с него будет готово сорваться раздраженное слово…

Я требовал от тебя слишком многого, слишком многого.

**У. Ливингстон ЛАРНЕД.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР ҲОКИМ КУБОГИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

**Жорий йилнинг мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан келажагимиз эгаларининг билим ва салоҳиятини аниқлаш, уларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида пойтахтимиздаги мактаб ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказиш бўйича «Ҳоким кубоги» турнири эълон қилинган эди.**

Яқинда Учтепа туманидаги 238-мактабда ушбу мусобақанинг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг феврал-март ойларида икки босқичда ташкил этилган саралаш ўйинларида юқори ўринларни эгаллаган 30 та жамоа ўзаро куч синашди.



Қизғин тарзда ўтган беллашувлар давомида ўқувчиларнинг билим ва қобилияти ҳакамлар томонидан холисона баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра, интеллектуал салоҳиятининг устунлиги билан бошқалардан яққол ажралиб турган Миллий гвардия тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи жамоаси Ҳоким кубогини қўлга киритиб, лицей учун 10 дона компьютер жамланмаси, ўқувчилар учун планшет билан тақдирланди. Кейинги поғонани забт этган Яшнобод туманидаги 244-мактаб жамоаси мактаб учун 200 дона бадиий китоблар жамланмаси ҳамда ўқувчилар учун букридерга лойиқ топилди. Мазкур туманнинг 255-мактаб жамоаси эса учинчи ўринга муносиб кўрилиб, мактаб учун 100 дона бадиий китоблар жамланмаси, жамоа аъзолари учун 10 донадан китоблар билан тақдирланди.



Ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш ҳамда уларнинг китобга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақа мактаб ва академик лицейлар ўртасида интеллектуал рақобатни кучайтиришга хизмат қилди, десак, асло муболаға бўлмайди.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР – ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

**Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар ҳамда инсонларнинг тинч-осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги таҳдидларнинг пайдо бўлаётгани Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларидан ҳам ўзларининг жанговар шайлигини оширишни талаб этаётир.**

Шу муносабат билан яқинда Миллий гвардия Марказий девони Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда ушбу ҳудудда жойлашган бўлинмаларнинг бирида ҳарбий шаҳарча хавфсизлигини таъминлаш, суткалик нарядлар ва ҳамкорликдаги кучлар билан эҳтимолий ҳужумларни қайтариш бўйича кўргазмали ўқув машғулотларини ташкил этди. Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти, Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича бошқармалари ҳамда ҳарбий қисмларининг масъуллари қатнашган ушбу машғулотларда Миллий гвардия бўлинмаларида жорий қилинаётган замонавий техник қўриқлаш воситаларининг афзалликлари ҳамда улардан ҳарбий шаҳарчани қўриқлашда унумли фойдаланиш бўйича маълумотлар бериб ўтилди.

Машғулотлар якунида эса фаол иштирок этган ҳарбий хизматчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу билан бирга, ўқув машғулотида йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар муҳокама қилиниб, келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

**Шуҳрат НЕЪМАТИЛЛАЕВ,**
**Миллий гвардия қўшин ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник.**

# ТЎППОНЧА ВА 9 ДОНА ЎҚ

**Сурхондарё вилоятининг Денов туманида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича патруллик хизматига жалб қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси ва ИИБ ППХ ходимлари томонидан «Бободеҳқон» бозори ҳудудида жойлашган дўконларнинг бирида яширин тарзда сотилаётган трамадол психотроп дори воситасининг ноқонуний савдосига чек қўйилди.**

Ўтказилган тадбир давомида фуқаро М.Э.га тегишли бўлган 14 та пластик идишда жами 67 дона трамадол таблеткаси далилий ашё сифатида расмийлаштирилиб, туман ички ишлар бўлимига топширилди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Термиз шаҳри ҳудудида жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик йўналишида хизмат олиб бораётган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси ва ИИБ ППХ ходимлари томонидан «Дубай» ресторани атрофида тўхтатилган шубҳали шахс ёнидан «Pietro Beretta Gardone V/T» русумли, калибри 4,5 миллиметр тўппонча ҳамда ўқдонга жойлаштирилган 9 дона ўқ борлиги аниқланди.

Олиб борилган суриштирувлар давомида қўлга олинган шахс Термиз туманида яшовчи фуқаро Ў.С. эканлиги, ушбу қуролни тахминан олти ой илгари Тошкент шаҳрида ўзига нотаниш бўлган фуқародан 300 АҚШ долларига сотиб олганлиги маълум бўлди.

**Нозима МАҲМУДОВА,**
**лейтенант.**

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ БЕМИСЛ НАМУНАСИ

**Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи Шарқ маънавий анъаналарига содиқ қолиб, собиқ иттифоқнинг душман томонидан босиб олинган ҳудудларидан келган аҳоли вакилларини меҳрибонлик билан ўз бағрига олди. Юртидан айрилган ва урушдан жабр чекканларни қалб ҳарорати билан иситди.**

Мамлакатимиз уруш йиллари Россиянинг босиб олинган ҳудудлари ҳамда Украина ва Беларусь Республикасидан бир миллиондан ортиқ фуқарони қабул қилди. Улардан икки юз мингдан ортиғи болалар эди. Юртимиз аҳолиси бу ерга келганларни меҳмондўстлик билан қарши олиб, уларга ўз уйидан жой берди.

Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Фақатгина Тошкентнинг ўзида 1941 йилнинг 24 ноябридан 31 декабригача 37 мингдан ортиқ киши, 1941–1942 йилларда эса қарийб 240 минг киши иш билан таъминланди. Ота-онаси ва уйидан ажралган болаларни самимийлик билан қабул қилиб, уларга меҳр кўрсатди.

Шунингдек, инсоният бошига мудҳиш кулфатлар солган уруш йилларида мамлакатимиз меҳнаткашлари фронтга кўплаб совғалар жўнатиб турди. Ватандошларимиз ўша кезларда уруш қатнашчиларининг оилаларига ҳам ғамхўрлик қилишди.

Урушнинг суронли йилларида ватандошларимиз орасида ёши улуғ инсонлар ҳам бағрикенглиги, саховатпешалиги билан фронт қаҳрамонларининг оила аъзоларидан ўз меҳрини аямади. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Янгийўл маҳалласида яшовчи, уч фарзандини фронтга жўнатган 70 ёшли Аҳмад ота Холмуродов ўз тенгдошлари билан 1943 йилда уруш қатнашчиларининг оиласига қарашли 26 та хонадонни таъмирлаб берди. Айни шу йили юртдошларимиз томонидан уруш қатнашчиларининг жами 177908 хонадони таъмирланди.

1942 йил 2 январда Тошкентда шаҳар хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнг, республикамизга кўчириб келтирилган болаларни қабул қилиш кенг қулоч ёйди. Чунки бу йиғилиш вакиллари жамики ўзбек хотин-қизларини ота-онасиз болаларга оналик қилишга чақирган эди.

Шу боисдан ҳам кўплаб оилалар иккита ва ундан ортиқ қаровсиз қолган болаларни ўз тарбиясига олди. Ҳа, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз бемисл жасорат, бағрикенглик ва матонат намуналарини кўрсатди. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, ёш авлод онгу шуурига сингдиришимиз лозим.

**Асроржон САТТОРОВ,**
**Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси, капитан.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# «ЭНДИ ХАТО ҚИЛМАСЛИККА СЎЗ БЕРАМАН...»

**Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлга эҳтиром кўрсатиш миллатга, мамлакатга, эртанги кунимизга, келажак авлодимизга эҳтиром кўрсатишнинг бош мезонига айланди. Минг афсуски, ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан оқилона фойдаланиш ўрнига, ҳаёт йўлларида билиб-билмай адашиб, жазо муддатини ўтаётган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Уларнинг орасидан ўз хатосини тушуниб етганларини суяш, оиласи бағрига қайтариш давлатимизнинг доимий диққат марказида.**

Жумладан, бундай эътибор ва ғамхўрлик, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида»ги фармонида яна бир бор ўз инъикосини топди. Унга кўра, янглишиб жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 83 нафар маҳкума аёл афв этилди. Уларнинг 12 нафари жазодан тўлиқ озод қилинди, 29 нафари эса ижро муддатидан илгари шартли озод қилинди. Шунингдек, 17 нафар маҳкумага тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди, 25 нафарига тайинланган жазонинг муддатлари қисқартирилди.

Яқинда Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган 42-сонли манзил колония ҳамда 21-сонли жазони ижро этиш колониясида ушбу фармон ижросига бағишланган тадбир ўтказилди. Озодликка чиққан Тошкент туманида истиқомат қилувчи Ш. Н. хурсандчилигини шундай таърифлайди:

— Менга бугунги байрам қўшалоқ келди. Президентимиздан бир умр миннатдорман. Менга билдирилган ишончни, кўрсатилган ғамхўрликни бундан буён ҳалол меҳнатим, намунали турмуш кечиришим билан оқлайман.

З. Б. эса Чирчиқ шаҳридан. У 42-сонли манзил колонияда жазо муддатини ўтаётганди.

— Жуда-жуда бахтиёрман. Уйда олти нафар фарзандим мени интиқлик билан кутяпти. Уларнинг тарбияси билан шуғулланаман. Энди хато қилмасликка сўз бераман. Ўз яқинлари ва фарзандларидан жудоликда яшаш нақадар оғир эканлигини англаб, бизга яна бир бор имконият берган Давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдорман. Уларнинг ҳаққига сўнгги нафасимгача хайрли дуода бўламан, — дейди у.

Афв этилган яна бир маҳкума эса Қирғизистон Республикаси фуқароси. У биз билан суҳбатда шундай деди:

— Менинг афв этилганим мамлакатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёев олиб бораётган олижаноб ислоҳотларнинг ҳаётий кўринишидир. Қилмишимдан пушаймонлигим, хатоларимни англаб етганим инобатга олинди. Ҳадемай, меҳр-мурувват ва бағрикенглик, айёми — Наврўз ҳам кириб келади. Меҳмондўст ўзбек қардошларим дунё тургунча турсин. Уларнинг мурувватли, илм-маърифатли Президенти ҳамиша омон бўлсин!

Жазодан тўлиқ ва шартли озод этилганлар ўз оиласи, ота-онаси, фарзандлари бағрига қайтди. Энди улар жамиятда ўз ўрнини топиб, меҳрибон она, суюкли бека, оқибатли фарзанд бўлишади, деб умид қиламиз.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**майор.**

# МИННАТДОРЛИК МАКТУБЛАРИ МАСЪУЛИЯТГА ЧОРЛАЙДИ

***Билиб-билмай жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган фарзандининг кейинги тақдири ҳар бир ота-онани ўйлантириши табиий. Шундай вазиятда муассасадаги яхши шароитдан кўнгли тўқ бўлган, фарзандининг келгусида жамиятга ахлоқан қайта тарбияланган инсон сифатида қайтишини билган ота-онагина хотиржам бўлади.***

Ушбу фикрлар исботини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда халқ қабулхоналарига, Ички ишлар вазирининг виртуал қабулхонасига фуқароларимиздан келиб тушаётган миннатдорлик мактубларида кўришимиз мумкин. Хусусан, ўтган 2019 йил давомида юзга яқин миннатдорлик хатлари олинган.



Жумладан, Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро К. Қосимова Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ички ишлар вазири виртуал қабулхоналарига йўллаган мурожаатида Наманган вилоятида жойлашган жазони ижро этиш колониясига шу ерда жазо муддатини ўтаётган фарзанди Ж. М. билан учрашиш мақсадида ташриф буюрганида, муассаса маъмурияти қабулга келган ҳар бир фуқарони самимийлик билан қарши олиб, муаммо ва ташвишларини қисқа вақтда ижобий ҳал этаётганлигига гувоҳ бўлганини қайд қилган. Муассаса ходимларининг жазо муддатини ўтаётганларга жиноятчи деб эмас, балки ҳаёт йўлларида адашган шу юрт фуқароси сифатида муносабатда бўлаётганлигидан мамнун эканлигини баён қилган. Узоқ муддатли учрашув хонасида маҳкумлар ва уларнинг яқин қариндошлари учун барча шарт-шароит яратилганини алоҳида эътироф этган. У миннатдорлик мактубининг сўнгида Президентимизга, Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига ва муассаса ходимларига самимий тилакларини изҳор қилган.

Маҳкумнинг ўзи эса миннатдорлик хатида колонияда ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш, фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжудлигини баён қилиб: «Бунинг учун миннатдор эканимни муассасанинг масъул ходимларига етказишингизни сўрайман», дея ўз мактубини якунлаган.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Д. Воҳидова Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида жазо муддатини ўтаётган турмуш ўртоғи Р. Ҳ. билан узоқ муддатли учрашувга борганида, колония ходимлари фаолиятидан, фуқаролар билан муомаласидан мамнун бўлганини эътироф этган.

Албатта, бундай миннатдорлик туйғуларига йўғрилган дил изҳорлари биз, ички ишлар органлари вакилларига маънавий куч бағишлайди. Қолаверса, билдирилган ҳар бир эътироф бизни янада катта масъулият билан хизмат қилишга чорлайди.

**Шаҳризод ШОКИРОВ,**
**катта сержант.**



## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



**— Мени яқинда бошқа ишга ўтказишмоқчи. Лекин мендан розилигимни сўрашмади ҳам. Айтинг-чи, бошқа ишга ўтказишга ходимнинг розилиги талаб қилинадими?**

– Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар объектив сабабларга кўра, меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт.

Ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа иш таклиф этилиши мумкин.

Меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган иш жойини ўзгартириш меҳнат шартларини ўзгартириш деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим билан келишиш талаб қилинмайди.



**— Яқинда пенсияга чиқаман. Эшитишимча, пенсия тайинлашда талаб қилинадиган ҳужжат турлари қисқарибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

– Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, фуқаролардан 28 турдаги маълумотномани талаб этиш тақиқланган. Жумладан, Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қуйидаги 6 турдаги ҳужжатлар талаб қилинмайди:

– турар жойда яшовчи шахслар кўрсатилган ҳолдаги маълумотнома;

– оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолатини тасдиқловчи маълумотнома;

– қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигини тасдиқловчи маълумотнома;

– вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотнома;

– шахсий ёрдамчи хўжалигида қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотнома;

– дафн ўтказилганлиги ҳолатини тасдиқлаш учун маълумотнома.

**«Huquqiy axborot» телеграм канали маълумотларидан фойдаланилди.**

БИЛАСИЗМИ?



**Математик, астроном, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир Умар Хайёмнинг (1048–1131) форс насрининг нодир намунаси саналмиш «Наврўзнома» асарида ушбу байрамнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг унга тааллуқли анъана-маросимлари батафсил ёритилган. Уни дастлаб афсонавий подшо Жамжид янги кун деб атагани ва тантанавор нишонлашни оммалаштиргани, Ажам ҳукмдори Каюмарс эса кунлар ва ойларга ном бериб, йилнома жорий қилгани, офтоб тонгда Ҳамал буржининг аввалги дақиқасига кирадиган кунни аниқлаб, йил ҳисобини шу лаҳзадан бошлашни эслатилган. Наврўз араблар истилосига қадар Марказий Осиё ва Эрондаги аксарият халқларда, Кавказортидаги зардўшт динига мансуб қавмларда ҳам кенг нишонланган таъкидланган.**



ВЕТЕРАНЫ ВСЕГДА В СТРОЮ

# Кто любит народ, тот и народом любим

**«Важнейшими направлениями работы нашей ветеранской организации являются патриотическое воспитание юношей и девушек, передача молодым сотрудникам органов внутренних дел профессионального опыта, социально-правовая защита самих ветеранов», – говорит подполковник в отставке Файзулла Тулкуевич Джаникулов.**



За плечами Файзуллы Тулкуевича тридцать лет службы в органах правопорядка.

– Служить пришлось в непростое время – в период, когда на волне политических перемен, происходивших в обществе, обострилась оперативная обстановка. Вспомните, к примеру, Букинские, Паркентские, Ферганские события… – говорит Ф. Джаникулов. – Вместе с коллегами принимали незамедлительные меры по каждому совершенному преступлению, каждому негативному факту, противостояли деструктивным силам, пытавшимся расшатать ситуацию. Горжусь, что работал с такими преданными профессиональному долгу сотрудниками, как Раим Каримов, Александр Мельников, Петр Ким, Миржалол Абдуллаев, – делится Файзулла Тулкуевич.

Кто любит народ, тот и народом любим. За годы плодотворной и самоотверженной службы, благодаря высокому профессионализму, добросовестному отношению к порученному делу, принципиальности Файзулла Тулкуевич снискал уважение коллег. Он воспитал плеяду достойных учеников, которые сегодня успешно выполняют возложенные на них ответственные задачи, среди которых майор Шавкат Ибрагимов, подполковники Азиз Буриходжаев, Шухрат Султанов.

Надо сказать, что после выхода на заслуженный отдых неиссякаемая энергия, опыт и знания Файзуллы Тулкуевича были весьма востребованы. Он вел успешную адвокатскую практику, работал юристом. Успел написать две книги, основанные на реальных событиях, – «Операция «Тайфун» и судьба будущего генерала», «Конец операции «Тайфун», которые встречены читателями с большим интересом.

В настоящее время Ф. Джаникулов является председателем МСГ «Янгибог» Букинского района, членом Совета ветеранов ГУВД Ташкентской области. А в последний год работы еще прибавилось, поскольку Файзулла Тулкуевич возглавил Совет ветеранов районного ОВД. Это говорит о том, что люди ему доверяют, его авторитетное мнение ценно для них.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

В ОБЪЕКТИВЕ – СОТРУДНИКИ

# СЛЕДОВАТЕЛЯ ТРУД НЕ БЕЗ ТРЕВОГИ…

**Сотрудники органов внутренних дел всегда находятся на передовой борьбы с преступностью и правонарушениями. Один из них – начальник следственного подразделения при Каганском ГОВД подполковник Зокир Кодиров.**

Проходя армейскую службу, Зокир решил стать стражем порядка. Вернувшись домой, не мешкая, он подал заявление и был принят в ряды сотрудников органов внутренних дел, в батальон УППСиООП УВД Бухарской области.

После получения диплома об окончании высшего образовательного учреждения Зокир Кодиров стал служить в следственном отделе Бухарского ГОВД (ныне следственный отдел при УКД ОВД г. Бухары). Благодаря своим знаниям, ответственности, трудолюбию он завоевал уважение среди коллег и руководства. Начав работу старшим следователем, дослужился до начальника следственного отдела.

Следственный отдел при УКД ОВД города Бухары считается базовой школой для следователей области. Подполковник Зокир Кодиров, работая начальником отдела, воспитал десятки учеников, которые сейчас служат во всех районах. Они уважают талантливого учителя, гордятся тем, что были его воспитанниками.

С 2017 года З. Кодиров служит в должности начальника следственного подразделения при Каганском ГОВД. Он быстро влился в коллектив, с удовольствием делится с коллегами служебным и жизненным опытом.

В следственном подразделении работа налажена хорошо. Каждое уголовное дело тщательно расследуется квалифицированными следователями. В результате проведения профилактических мероприятий, обсуждений совершенных преступлений в махаллях, образовательных учреждениях и на предприятиях в городе значительно сократилось количество правонарушений. За истекшие два месяца текущего года было расследовано 8 уголовных дел в отношении 10 обвиняемых: совершено по три случая кражи и мошенничества, два дорожно-транспортных происшествия. К троим обвиняемым применена мера пресечения в виде залога, к троим – мера пресечения в виде заключения под стражу, к остальным – личное поручительство.

В настоящее время с потерпевших взыскано около 69 миллионов сумов нанесенного ими ущерба. Принимаются меры по устройству правонарушителей на работу. К примеру, житель махалли Истиклол Владимир Б. был оформлен на работу в городской отдел по благоустройству. При содействии городского отдела занятости еще четверо граждан трудоустроили в различные организации.

Почти тридцать лет подполковник Зокир Кодиров служит Родине. Пока есть такие самоотверженные люди, в нашей стране будут царить мир, спокойствие и процветание.



**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
**Фото автора.**
*Бухарская область.*

Красиво сказано…

# У КОГО ЧТО НА ДУШЕ



Однажды один богатый человек дал бедняку корзину, полную мусора. Бедняк ему улыбнулся и ушел с корзиной.

Вытряхнул из нее мусор, вычистил, а затем наполнил красивыми цветами. Вернулся он к богачу и отдал ему корзину.

Богач удивился и спросил:

– Зачем ты мне даешь эту корзину, наполненную красивыми цветами, если я дал тебе мусор?

А бедняк ответил:

– Каждый дает другому то, что имеет в своем сердце…



В ПРЕДДВЕРИИ 75-ЛЕТИЯ ПОБЕДЫ

# БЛАГОДАРНОСТЬ ЗА СВЕТЛЫЕ ДНИ

**Нет таких весов, на которых можно было бы взвесить вклад наших ветеранов в победу над фашизмом. Мы обязаны им мирным небом и спокойной жизнью. Они – живая легенда. Годы страшной войны давно остались позади. Несмотря на потери, героям удалось отстоять главное – свободу и веру в будущее. Каждый ветеран является достойным и неповторимым примером для молодых.**



Ветерана Второй мировой войны и органов внутренних дел подполковника в отставке Абдувохида Абидова регулярно посещают члены Совета ветеранов, ответственные сотрудники ГУВД г. Ташкента и УКД ОВД Шайхантахурского района.

Навестив уважаемого ветерана в преддверии Дня памяти и почестей, начальник УКД ОВД Шайхантахурского района полковник У. Нарзуллаев подчеркнул, что с каждым годом время удаляет от нас события Второй мировой войны, забирает героев, прошедших огненными дорогами, но память о фронтовиках, тружениках тыла, тех, кто в послевоенные годы восстанавливал города и села, должна жить в сердцах людей.

Ветеран делился с гостями воспоминаниями о том, как в июне 1941 года он и его сверстники, совсем еще юные, прямо со школьной скамьи ушли добровольцами на фронт. Абдувохид ота преодолел трудности и лишения военных лет. В 1944 году он впервые столкнулся с вражеской армией в Беларуси.

После войны Абдувохид ота Абидов 28 лет прослужил в подразделении пожарной безопасности. Он участвовал в тушении сотен пожаров, приобрел богатый опыт, снискал уважение коллег и руководства, воспитал не одно поколение учеников.

Вот уже больше сорока лет ветеран Второй мировой войны и органов внутренних дел находится на заслуженном отдыхе, живет, окруженный любовью не только родных и близких – трех сыновей, трех дочерей, 25 внуков, 32 правнуков, но и всех жителей махалли.

Вручая А. Абидову подарки, сотрудники ГУВД столицы поблагодарили его за мир, спокойствие, свободу и веру в будущее. Ветеран, в свою очередь, выразил благодарность руководству ГУВД за оказываемые внимание и заботу.

**Диёр-Ильхом ИСХАКОВ.**

В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ МВД

# СООТВЕТСТВОВАТЬ ТРЕБОВАНИЯМ ВРЕМЕНИ

**Уровень развития государства во многом определяется тем, насколько качественной и эффективной является система образования. В нашей стране осуществляется широкомасштабная работа по внедрению современных форм и методов обучения, совершенствованию теоретической и практической подготовки учащихся.**





В своих выступлениях Президент Республики Узбекистан не раз отмечал, что первостепенной задачей является еще более широкое утверждение в нашей жизни справедливости. К этому стремится преподавательский состав Самаркандского академического лицея МВД Республики Узбекистан.

Сплоченным и дружным коллективом профессионалов руководит подполковник А. Усманов. Педагоги стараются использовать в своей работе новые методики, они не только передают лицеистам знания, но и заряжают их позитивом.

В начале учебного года была кардинально пересмотрена работа шести кафедр. Теперь ежемесячно проводится тестирование: идет проверка преподавателей на знание нормативно-правовых актов, в том числе принятых в рамках проводимых реформ.

Успеваемость учащихся – основной критерий оценки деятельности учителей. В минувшем году более 130 выпускников поступили в различные высшие образовательные учреждения страны. И в этом, конечно же, большая заслуга педагогов лицея. М. Хамдамова, А. Эрназаров, Б. Абдуллаев, К. Халимов, Т. Нормуминова, Н. Файзуллина, У. Норкулова, О. Муминова, М. Жураев, Н. Мирубайдов и другие формируют у учащихся необходимый багаж знаний.

При чтении спецкурсов полковник в отставке Т. Шарапов, подполковники в отставке Х. Бабакулов, Н. Норбутаев, М. Тангиров и С. Рузикулов передают лицеистам навыки, которые наработали во время служебной деятельности.

Без знания и понимания правовых норм невозможны правильная оценка правовых явлений, формирование ценностных установок у учащихся. Для решения этих задач в лицее для педагогов проводятся занятия по духовности и просвещению. В ходе уроков преподаватели обогащают свои правовые знания, которые позволяют им ориентироваться даже в самых сложных ситуациях.

Глава нашего государства выдвинул пять важнейших инициатив, вторая из которых касается физической закалки молодежи, создания необходимых условий для проявления ею спортивных талантов. В лицее созданы все условия для занятий спортом. Благодаря преподавателю физкультуры М. Тугалову, учащиеся занимают призовые места на различных соревнованиях, проводимых в области, республике и за рубежом.

Для системной организации работы по повышению духовности среди молодежи, широкой пропаганде чтения (четвертая важнейшая инициатива) в лицее функционирует информационно-ресурсный центр, имеющий богатый фонд учебной, художественной литературы, с читальным залом на 50 мест.

Достигать поставленных перед педагогическим коллективом Самаркандского академического лицея задач помогает УВД Самаркандской области. Большинство мероприятий, проводимых в образовательном учреждении, не обходится без участия сотрудников управления. Сотрудники управления всегда рады помочь своим подопечным в организации и проведении различных встреч и конкурсов.

Меры, принимаемые педагогами образовательного учреждения и сотрудниками УВД Самаркандской области для воспитания патриотизма в лицеистах, осознания ими важности и нужности выбранной профессии, направлены на достижение основной задачи – подготовки стойких и мужественных защитников Родины.

**Юлдуз НАРЗУЛЛАЕВА,**
**преподаватель Самаркандского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Истиқлол шундай бир улуғ неъмат эканки, у нафақат ўзлигимизни англатиб, маданият ва қадриятларимизни ўзимизга қайтарди, шунинг баробарида, юртимизда яшовчи турли миллатларни жипслаштирди, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлади. Эндиликда Бош қомусимизда белгилаб қўйилганидек, республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат вакили учун ўқиса, ўз тилида мактаб бор, ишлаши учун истаганча шароитлар яратилган, диний эътиқоди қадрланиб, миллий марказлар фаолияти йўлга қўйилган.

Тўю маъракаларимиз бир-бирларимизсиз ўтмайди. Байрамлар ва тадбирлар биргаликда нишонланади. Маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашяпти. «Бир болага етти қўшни ота-она», мақолининг маъносини истаган миллат вакилидан сўрасангиз, ҳеч бир муболағасиз, жавобини тушунтиради, ўзлари ҳам фарзанд тарбиясида унга амал қилишади. Ана шунинг учун ҳам юртимиз ёшлари ватанпарвар, ҳар ишда ташаббускор бўлишмоқда. Бу интилувчан авлодга яхшилаб назар солсангиз, улар турли миллатга мансублигини кўрасиз. Изланиб, интилишлари эса бир мақсадга қаратилган: юртни ободонлаштириш, фаровонликни таъминлаш ва эртага бугундан ҳам яхшироқ яшашга эришиш.

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Ислоҳотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб ном беришни таклиф этиши замирида жуда катта маъно бор. Чунки энди фуқароларимиз кечаги кун билан яшамаяпти. Интилиш, изланиш ва ташаббуслар самараси юртдошларимизни ўрта ҳолдан олиб чиқиб, дунёга танитиш баробарида, энди унинг талабларига мослашиш остонасига яқинлаштирди. Ривожланган давлатлардан ортда қолмаслик учун эса, биринчи навбатда, билимларимизни янада мустаҳкамлаб, маънавиятимизни оширишимиз ҳамда замонавий технологияларни мукаммал ўзлаштиришимиз тақозо этилмоқда.

Тўғри, мақсадга эришишнинг ўзи бўлмайди. Аммо давлатимиз бунинг учун қанча маблағ зарур бўлса, аямаяпти. Хусусан, ёшлар таълим-тарбияси ва уларнинг маънавиятини ошириш, компьютер технологияларини мукаммал ўзлаштириб боришни боғча ёшидан бошлашни назарда тутиб, шу йилнинг ўзида бюджетдан 1,8 триллион сўм маблағ ажратмоқда.

Яна бир гап: бугунги кунда ёшлар тарбиясида маънавиятнинг аҳамияти нечоғли экани давлат даражасига кўтарилган. Айниқса, сўнгги йилларда бу жиҳатдан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар асрларга татигуликдир. Масалан, юртимиз тарихида илк бора олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимининг жорий қилинаётгани ва бунинг учун давлат бюджетидан 130 миллиард сўм маблағ ажратилиши, бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу каби имконият ва келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг мазмун-моҳиятида, энг аввало, билимли ва маънавиятли ёшларни тарбиялаш мақсади мужассам.

**Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,**
**Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.**
Юсуф Хос Ҳожиб.

Давлатимиз раҳбарининг мана бу ташаббуслари эса илмга, маънавиятга, касб-ҳунарга чанқоқ кўп миллатли халқимизнинг йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларига биратўла барҳам берди: яъни жорий йилдан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ҳамда 143 та техникум ташкил этиладиган бўлди.

Бундай мисолларни келтиришга асос бор. Донишмандлар таъкидлаганидек, «Энг катта бойлик – ақл-заковат ва илмдир». Дарҳақиқат, давлатимизда юритилаётган одил сиёсат туфайли узил-кесил ўзлигимизга қайтиб, тараққиёт сари, уни ривожлантириб, маънавий бойитиб келажак авлодларга қолдириш учун интиляпмиз ва шу йўлда ҳар биримиз фарзандлар камолига эътибор қаратяпмиз.

## ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАС

Хотини ҳомиладор бўлган киши донишманддан «Фарзанд тарбиясини қачондан бошласам бўлади», деб сўраганда, донишманд:

– Фарзандингиз неча ёшда, – дебди. Ҳалиги киши она қорнида, олти ойлик бўлди, деса, демак, тарбия борасида олти ой кечикибсиз, деган экан. Бу мисол шундан далолатки, бола тарбиясида асрлар давомида тўпланган тажрибани халқимиздагидан бошқа бирор миллатда учратиш қийин.

Фарзандларни муносиб даражада камолга етказиш масаласи ҳар вақтдагидан кўра, бугун долзарб тус олган. Чунки айрим мамлакатларда содир этилаётган турли воқеа-ҳодисалар ҳар биримизни ҳушёрликка чорламоқда. Айниқса, тобора глобаллашиб бораётган дунёни маънавиятли ва маърифатли кишиларгина қутқариши мумкин экани бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Давлатимиз томонидан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларимиз учун етарлича шароитлар яратиб бериляпти.













## ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан», деган ёшлар учун неки зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё этилмоқда. Имкониятлардан унумли фойдаланган ёшларимиз нафақат спорт ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришяпти, балки чет элларга бориб таҳсил олмоқда, изланиб, тадбиркорлик билан шуғулланиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Кўриниб турибдики, бундай саъй-ҳаракатларда оиладаги тарбия ва ҳукуматимизнинг бу жиҳатдан олиб бораётган сиёсати мужассам.

Оила – тарбиянинг асосий ўчоғи. Унда янги авлод дунёга келади. Дарахтнинг меваси ширин етилишини орзу қилган боғбондек ота-она ҳам фарзанди ақлли, меҳнатсевар, маънан ва жисмонан баркамол бўлиб улғайишини орзу қилади. Аммо бу ниятга эришишда айрим оилаларда муаммолар ҳам йўқ эмас. Зотан, Фитратнинг «Оила» асарида айтилганидек, «ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик-тотувлик шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли муаззам бўлади».

Бир сўз билан айтганда, юртимиз ҳар томонлама ривожланиш йўлини танлаган: бунёдкорликми, тадбиркорлик ёки инновацион ғояларни кенгайтиришу яратувчилик – буларнинг барчаси меҳнаткаш халқимизнинг қўли билан сайқал топмоқда. Шу жараёнда ёшлар тарбиясида ҳам ортда қолмасак, тарбияда ҳеч қачон танаффус бўлмайди. Бу ҳар биримизга, сизу бизнинг ўзимизга боғлиқ.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Postda» мухбири.**



## БИЛАСИЗМИ?

**2009 йилнинг 30 сентябрь куни Наврўз ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган эди. Қарор ташкилотнинг номоддий меросни сақлаш ҳукуматлараро қўмитасининг 24 нафар аъзоси томонидан тасдиқланди. 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессияси 21 мартни «Халқаро Наврўз куни» сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилди. Қабул қилинган резолюцияда мазкур байрам маданиятлараро мулоқот ва ўзаро тушунишни рағбатлантириши таъкидланади. Шу тариқа, Наврўз бирор-бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисми сифатида нишонланмоқда.**



# BOLAJON
## SAHIFASI



Shukrullo

### VARRAKLAR

Xursand uyg'onardim bahor chog'lari,
Tongdan bo'lar edi ko'zim osmonda.
Shamol silkitganda terak shoxlarin,
Quvonchimning cheki bo'lmasdi manda.

Yangi kelin kabi tomda chuchmoma,
Yal-yal yonar edi lolaqizg'aldoq.
Lojuvard dengizdek bepoyon samo,
U ne bahor edi! U ne go'zal chog'!

Varraklar kuylardi shamolda jo'shib,
Men tomda tinglardim chalqancha tushib.

### DO'STLIK SINOVDA CHINIQAR



Bir bor ekan, bir yo'q ekan, barg bilan kesak bo'lgan ekan. Ular qalin do'st bo'lishib, bir-biridan ajralmaslikka, og'ir kunlarda o'zaro yordam berishga va'dalashishibdi. Ular ahil yashay boshlabdilar.

Kunlardan bir kun qattiq shamol turibdi. Shamolning g'uvullashidan qo'rqib ketgan barg kesakka nolish qilib yig'labdi. Shunda kesak:

– Hech narsadan qo'rqma, men seni bu balodan qutqaraman, – deb bargni pana qilib to'sibdi.

Shamol qanchalik kuchli bo'lmasin, bargni uchirib keta olmabdi. Bundan shamolning jahli chiqib, yomg'irni yuboribdi. Bu bilan u kesakdan o'ch olmoqchi bo'libdi.

Yomg'irning yog'ishini ko'rgan kesak bargga nolish qilibdi. O'zini yomg'irdan qutqarishini so'rabdi. Shunda barg kesakni yomg'irdan pana qila boshlabdi. Qanchalik ko'p yomg'ir yog'masin, kesak nam bo'lmabdi.

Yomg'ir tingach, kesak bilan barg xursand bo'lishibdi. Ularning bir-birlariga mehr-oqibati yanada ortib, inoqlashib ketibdilar.

### BILASIZMI?

«Allo» so'zi inglizcha «Xellou» so'zining buzilgan shaklidir. Bu inglizcha «salom» degani. XIX asrda telefon kashf qilingan paytda AQSHda shunday salomlashilgan. Lekin dunyoning hamma yerida ham «allo» deyishmaydi. Masalan, Italyada «pronto», Yaponiyada esa «moshi-moshi» deyishadi.



### 9 KARRA JADVALINI OSON HISOBLASH USULI

Ikki qo'lingizni ochib, xuddi suratdagidek stol ustiga qoying. Har bir barmog'ingiz sonlarning ketma-ketligini ifodalaydi. 3 ni 9 ga ko'paytiramiz. Uchinchi barmoqni bukamiz.

Uchinchi bukilgan barmog'imizdan chap tarafda 2 ta, o'ng tarafda 7 ta. Demak, javob: 27




O'yin

### O'RNINI O'ZGARTIR

**O'yin uchun kerak:**
o'yin maydonchasi;
2 ta oq va 2 ta qora shashka.

**O'yin qoidasi:**



Ikki kishi o'ynashi mumkin. Har bir bola oq va qora shashkalarini qo'lida berkitadi. Kim birinchi bo'lib oq shashkani topsa, o'sha o'yinni boshlab beradi. Shashkalar doirachalarning ichiga qo'yiladi. Oq shashka oq doirachaga, qorasi qora doirachaga. Bir dona shashkani esa o'yinchilar adashib ketmasliklari uchun ag'darib qo'yishlari kerak.

O'yin maqsadi: o'yinchi o'zining shashkalarini raqibidan oldin joyini o'zgartirishi kerak. Navbat bilan yuriladi. Masalan, Tohirda oq, Alisherda esa qora shashka. Oq rang shashka Tohirda bo'lgani uchun ag'darilgan shashkasi bilan u birinchi yuradi. Keyin Alisher ham ag'darilgan shashkasi bilan yuradi. O'yin shu tarzda davom etadi.

Har bir shashka xohlagan tomoniga to'g'ri chiziq bo'yicha yurishi mumkin. Lekin raqib nuqtasi bilan kesishadigan qo'shni nuqtaga qo'yish mumkin emas. Yana, o'zining shashkalarini raqibining «shaharchasi» bilan kesishadigan nuqtaga qo'yish mumkin emas. Yurishga yo'l bo'lmasa, o'yinchi o'z navbatini o'tkazib yuboradi. Kimning shashkalari tezlikda joyini o'zgartirsa, o'sha g'olib hisoblanadi.

### NEGA TURLI DAVLATLARDA VAQT TURLICHA?



Yer nafaqat quyosh atrofida, balki o'z o'qi atrofida ham aylanishini astronomlar isbotlab berishdi. Yerning bir tomoni yorug' bo'lgan paytda ikkinchi tomoni qorong'u bo'ladi. Shuning uchun Fransiyada ertalabki 8 bo'lsa, Yaponiyada shu payt kunduzgi soat 4, Nyu-Yorkda esa yarim kecha bo'ladi.

### TOPISHMOQLAR



Qora biyam qalt etdi,
Qovurg'asi yalt etdi.

Ajab bir gumbazli uy ko`rdim,
Na eshigi bor, na teshigi.

U yoqqa o'tdim, bildingmi,
Bu yoqqa o'tdim, bildingmi.
Oq quvrayning boshini,
Chertib o'tdim, bildingmi..

Bir daraxtda o'n ikki shoxi,
O'n ikki shoxida o'ttiz yaproq,
Yaprog'ining bir yog'i qora,
bir yog'i oq.

(Bulut, yashin) (Yomgir ko'pigi) (Shamol) (Yil, o'n ikki oy, kunlar, kecha, kunduz)

ПОГОВОРИМ НАЧИСТОТУ

# ЕСЛИ НЕ СЕЙЧАС, ТО ПОТОМ БУДЕТ ПОЗДНО!

